

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

НУРУЛЛАЕВА ДИЛОБАР ХАМИД КИЗИ

ЭКМА СУЛИ (AVENA SATIVA L.) МЕВАСИНИ ФАРМАКОГНОСТИК
ЎРГАНИШ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Нуруллаева Дилобар Хамид қизи

Экма сули (*Avena sativa* L.) мевасини фармакогностик ўрганиш..... 3

Нуруллаева Дилобар Хамид кизи

Фармакогностическое изучение плодов овса посевного
(*Avena sativa* L.)..... 21

Nurullaeva Dilobar Xamid qizi

Pharmacognostic study of the oat fruits (*Avena sativa* L.)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

НУРУЛЛАЕВА ДИЛОБАР ХАМИД КИЗИ

ЭКМА СУЛИ (AVENA SATIVA L.) МЕВАСИНИ ФАРМАКОГНОСТИК
ЎРГАНИШ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Ташкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Far38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz) Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фарманова Нодира Тахировна
фармацевтика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар

Тиллаева Гулнора Уринбаевна
техника фанлари доктори, профессор

Арипова Салима Фазиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ССВ ҳузуридаги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019. Far.32.01 илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 02 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.:(99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.:(99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2021 йил « » _____ кuni таркатилди.
(2021 йил « » _____ даги 15 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризасев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Е.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, инсон организмида ортиқча холестеринни тўпланиши натижасида юзага келадиган юрак қон-томир касалликлари бугунги кунда дунё бўйича ўлим ҳолатларининг 16% ни ташкил қилади. Шунини инобатга олиб, гиполипидемик дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар ассортиментини кенгайтириш, уларни стандартлаш, яроқлилик муддатларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида табиий официнал доривор ўсимликлар билан бир қаторда кимёвий таркиби, стандартланиши, самарадорлиги ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан таркиби кам ўрганилган фармакопегга киритилмаган доривор ўсимликлар асосидаги дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларнинг товар бозорларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада халқ таъбирида кенг ишлатиладиган турли фармакологик таъсирга эга доривор ўсимликларни ўрганиш, уларни стандартлаш, тиббиёт амалиётига татбиқ этишга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фармацевтика соҳасини илғор жаҳон стандартлари асосида жадал ривожлантиришда маҳаллий хомашёлар асосида самарали доривор препаратлар ва БФҚлар ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «... фармацевтика саноатини янада жадал ривожлантириш, аҳоли ва даволаш-профилактика муассаларини арзон, самарали ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада асосий биологик фаол моддаларнинг сифат ва миқдори, маҳсулотнинг экологик тозаллиги ва сақланиш муддатини аниқлаш ҳамда халқ таъбирида кенг қўлланиладиган экма сули хомашёсини тиббиёт амалиётига киритиш каби йўналишларда тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги ПҚ-3137-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбирида соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот республика

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони

фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий адабиётларни ретроспектив таҳлили шуни кўрсатдики, Абу Али ибн Сино экма сулини буриштирувчи восита сифатида қўллаган, ушбу ўсимлик нави ва турига, етиштирилган минтақага қараб биологик фаол бирикмалар сақланишини аниқлаш ва ўрганиш борасида юртимизнинг Х.Х.Холматов, У.М.Азизов, А.В.Зияева каби олимлари изланишлар олиб боришган.

Дунё миқёсида И.Г.Лоскутов, М.Н.Повидиш, К.Е.Andersson, К. А.Svedberg, М. W.Lindholm, S.Bahraminejad, R.E.Asenstorfer, I.T.Riley, С.J.Schultz, К.Bratt, К.Sunnerheim, S.Bryngelsson, A.Fagerlund, L.Engman, R.E. Andersson, L.H.Dimberg, A.Kamal-Eldin, A.B. Durkee, P.A.Thivierge ва бошқаларнинг илмий ишлари маълум. Улар томонидан ўсимлик меваларининг антиоксидант, иммуномодулятор, яллиғланишга қарши, гиполипидемик ва бошқа таъсирлари ўрганилган, экма сули ер устки қисми асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқилган.

Олиб борилаётган илмий изланишларга қарамасдан, экма сули меваси озик-овқат саноатида қўллашга тавсия этиш учун мўлжалланган эскирган ДСТ 28673–90 бўйича баҳоланиб келмоқда. Экма сули мевалари асосида дори препараталарини яратиш учун объектив фитокимёвий текширувларга асосланган тегишли меъёрий ҳужжат мавжуд бўлиши зарур. Ўзбекистон Республикасида экма сулининг етарлича хом ашё базаси мавжуд бўлиб, у деярли барча вилоятларда етиштирилади ва республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон шароитида етиштирилган экма сули мевалари кимёвий таркиби чуқур ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент фармацевтика институтининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситалари яратиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш” илмий-тадқиқот ишлари режасига ҳамда ПЗ-20171024184-сонли «Экма сули хомашёсини стандартлаш ва уни асосида самарали дори воситаси яратиш» (2018-2019 йй) мавзусидаги ёш олимлар илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экма сули меваларини фармакогностик тавсифини ўрганиш ва унинг асосида олинган қуруқ экстрактнинг стандартлаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

доривор хомашё янги турининг манбаси сифатида экма сули меваларини ўрганишни мақсадга мувофиқлигини асослаш учун танқидий адабиётлар таҳлилини ўтказиш;

ўзига хос фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар асосий гуруҳларининг фитокимёвий текширувини ўтказиш ва уларнинг миқдорини аниқлаш;

ўзига хос фаоллигини белгиловчи доминант компонентларни ажратиб олиш ва ўрганиш;

асосий таъсир этувчи моддаларнинг тўпланиш динамикасини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида хом ашё тайёрлашнинг мўътадил муддатларини аниқлаш;

ўзига хос диагностик белгиларини аниқлаш учун экма сули меваларини морфологик – анатомик ўрганиб чиқиш;

ўрганилаётган хомашёни доминант компонентлар бўйича илмий асосланган стандартлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тавсия бериш ҳамда қуриштириш ва сақлаш мумкин бўлган муддатларни тажрибавий аниқлаш; куруқ экстрактнинг чинлик ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида экма сулининг етиштирилладиган «Тошкент-1» навидан тайёрланган мевалари ва ундан олинган куруқ экстракт олинган.

Тадқиқотнинг предметини экма сули меваларини специфик фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар асосий гуруҳлари фитокимёвий текширувларини ўтказиш, стандартлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анъанавий ва замонавий физик-кимёвий (қоғоз ва юпка қатлам хроматографияси, титриметрик усуллар, спектрофотометрия (UV-1800 Shimadzu спектрофотометри, Япония), газ хроматографияси («Модел 3700»), масс-спектрометрия (ИСП МС NEXION-2000, Германия), юқори самарали суюқлик хроматографияси (Agilent 1200, фирма «Agilent Technologies Inc», АҚШ), УФ- и ИК-спектроскопия (Perkin-Elmer, АҚШ), гамма спектрометрия (МКС-АТ1315 «АТОМТЕХ», Беларуссия), Раман спектрофотометрия (R-532, фирма «Enhanced Spectroscopy», АҚШ)), морфологик-анатомик, микробиологик таҳлил ва математик-статистика усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экма сули мевалари таркибидаги биологик фаол бирикмаларининг, жумладан полисахаридлар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар, витаминлар ва липидларнинг кимёвий табиати ва миқдори аниқланган;

экма сули хомашёси учун хос бўлган диагностик аҳамиятга эга белгилари (колеориза, гипокотиль, буйракча, қалқончага қарама-қарши жойлашган эпибласт, мураккаб крахмал дончалари) ва унинг сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар, шунингдек экологик тозалиги ва қўллашдаги хавфсизлиги аниқланган;

экма сули хомашёси таркибидаги асосий таъсир этувчи модда – полисахаридларнинг тўпланиш динамикаси меваларнинг тўлиқ етилиш даврида максимал даражада бўлиши аниқланган;

гиполипидемик таъсирга эга экма сули куруқ экстрактининг стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

экма сули мевалари ва куруқ экстракти ҳамда «AVENA-UZ» биологик

фаол кўшимчанинг чинлик ва сифат кўрсаткичлари аниқланган;

хомашёни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатлари тажрибавий асосланган ва белгиланган.

Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий физик, физик-кимёвий, фармакогностик, биологик таҳлил усулларида фойдаланилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларини статистик ишлашда Студентнинг t-мезонидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гипополидемик таъсирга эга ўсимлик дори воситаси янги манбасини тавсия этиш учун асос бўлган экма сули меваларининг анатомик-диагностик белгилари, кимёвий таркиби ўрганилганлиги ҳамда хомашё ва қуруқ экстрактни илмий асосланган стандартлаш тизими ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «NOVO FARM KOMPLEKT» МЧЖ билан ҳамкорликда экма сули мевалари ва қуруқ экстракти учун КФМ лойиҳалари ишлаб чиқилгани ва улар импорт ўрнини босувчи гипополидемик таъсирга эга дори воситалари ва БФҚни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий этиш. Экма сули (*Avena sativa* L.) мевасини фармакогностик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«NOVO FARM KOMPLEKT» МЧЖ билан ҳамкорликда экма сули мевалари ва қуруқ экстрактига КФМ лойиҳалари ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган (2020 йил 4 сентябрдаги 29/01-325-сон хати). Ушбу меъёрий ҳужжатларни тасдиқланиши гипополидемик маҳаллий табиий воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини беради;

“AVENA –UZ” биологик фаол кўшимча учун Техник шартлар (Ts 23650019-003:2020) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ва Технологик йўриқнома (ТИ 23650019-003:2020) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган. Натижада «AVENA – UZ» биологик фаол кўшимчасини саноат миқёсида ишлаб чиқиш ва фармацевтика бозорида маҳаллий БФҚ ассортиментини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек «Инновацион ғоялар» ёш олимлар республика танловида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 4 таси республикада ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 129 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилинилиши, шунингдек тадқиқот натижаларининг нашрларда чоп этилиши ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби экма сулининг систематик жойлашуви, ботаник баёни, биологик хусусиятлари, келиб чиқиш тарихи ва экологик-географик тавсифи, кимёвий компонентлари, биологик фаоллигини ўз ичига олган адабиётлар шарҳини қамраб олган.

Диссертациянинг «**Экма сули меваларининг кимёвий таркибини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида объектни йиғиш ва таҳлилга тайёрлаш, тадқиқот усуллари, кимёвий таркиби, хусусан ўсимлик хомашёсини биологик фаол моддалари асосий гуруҳларини топиш, идентификация қилиш ва микдорий аниқлаш бўйича маълумотлар баён этилган.

Экма сули меваларида биологик фаол моддаларни дастлабки идентификация қилиш учун сувли, спиртли, гексанли ва бензинли экстрактлар билан сифат реакциялари ҳамда қоғоз (ҚХ) ва сорбентнинг юпқа қатлам (ЮҚ) хроматографияси усулларида фойдаланилди. Кимёвий таҳлилда қўлланилган реактивларни ГФ XI да кўрсатилган усуллар бўйича тайёрланган.

Таҳлил натижасида бирламчи биосинтез бирикмаларидан моно- ва полисахаридлар, аминокислоталар, оксил, липидлар ва витаминлар аниқланди.

Иккиламчи биосинтез бирикмалари флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар ва минерал моддалардан иборат эканлиги аниқланди (1-жадвал).


1-жадвал

Экма сули меваларининг кимёвий таркиби

Аниқланган биологик фаол моддалар гуруҳлари	Идентификация қилинган бирикмалар
Моносахаридлар	Глюкоза, арабиноза, сахароза, фруктоза, ксилоза
Оксил	Умумий оксил, эрувчан оксил
Фенолкарбон кислоталар	Кофе, хлороген, прокатех

Флавоноидлар	Лютеолин, изокверцитрин, трицин, кемпферол, рутин, гиперозид
Липидлар	Нейтрал липидлар, эркин ёғ кислоталар, совунланмайдиган моддалар
Витаминлар	Тиамин, рибофлавин, пиридоксин, ниацин

Аминокислоталарнинг сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш спектрофотометрик детекторли Agilent Technologies 1200 хроматографида ЮССХ усулида амалга оширилган, бунда Discovery HS C₁₈ сорбенти билан тўлдирилган 75x4,6 mm катталикдаги хроматографик устундан фойдаланилди. Хроматографик таҳлил градиентли элюирлаш режимида ўтказилди. Компонент А (қўзгалувчан фаза) - 0,14 моль/л натрий ацетат ва 0,05% триэтиламин (рН 6,4) аралашмаси. Компонент В - метилцианид. Элюент узатиш тезлиги 1,2 мл/дақиқа, ютилиш 269 нм (2-жадвал, 1-расм).



1-расм. Экма сули меваларининг аминокислоталари хроматограммаси

2-жадвал

Экма сули меваларининг аминокислоталари

Аминокислоталар	Ушланиш вақти, дақ	Аминокислоталар миқдори, мг/г	Аминокислоталар миқдори, % умумий йиғиндидан
Asp	6,387	0,17622	6,78
Glu	7,453	0,369406	14,23
Ser	10,319	0,070419	2,71
Gly	10,880	0,223147	8,59
Asn	10,881	0,223481	8,61

Gln	11,782	0,095339	3,67
Cys	12,934	0,206408	7,95
Thr*	14,141	0,112937	4,35
Arg*	14,288	0,105792	4,07
Ala	14,510	0,170498	6,57
Pro	15,140	0,140211	5,40
Tyr	22,046	0,133494	5,14
Val*	22,572	0,176169	6,79
Met*	24,243	0,072106	2,78
Ile*	27,127	0,112526	4,33
Leu*	27,562	0,092134	3,55
Phe*	32,053	0,028471	1,10
Lys HCl*	34,743	0,086653	3,34

*- алмашинмайдиган аминокислоталар

Натижада текширилаётган хомашёда 18 та аминокислота аниқланди, уларда 8 таси (валин, изолейцин, метионин, лейцин, фенилаланин, лизин, треонин, аргинин) алмашинмайдиган аминокислоталар ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, эма сули меваларида энг кўп миқдорда глютамин кислота бўлиб, у муҳим моддалар алмашинуви жараёнларида иштирок этадиган, организмни физиологик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатадиган, организмни чиқиндилардан тозаловчи фолат кислота таркибига киради. Эма сули мевасини гиполипидемик восита сифатида тавсия этилаётганлигини инобатга олиб, юқоридаги маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Липидларни ўрганиш. Нейтрал липидларни (НЛ) майдаланган хомашёдан магнитли қориштиргичда 60° С ҳароратда 2 соат давомида уч марта такрорлаб бензин (қайн.х.72-80°С) билан экстракция қилиш орқали олинди. Экстрактлар бирлаштирилди, эритувчини роторли буғлаткичда буғлантилди, липидларни миқдори оғирлик усулида аниқланди. НЛдан ишқорли гидролиз билан совунланмайдиган моддалар ажратилди. 3-жадвалда таҳлил натижалари келтирилган.

3-жадвал

Эма сули мевалари нейтрал липидларининг тавсифи

т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори, %
1	Ҳақиқий намликда нейтраль липидлар (мойлилик), дон массасидан % ҳисобида	3,72
2	НЛ нинг кислота сони, мг КОН/г	14,11
3	Эркин ёғ кислоталари, НЛ массасига нисбатан %	7,05
4	Совунланмайдиган моддалар, НЛ массасига нисбатан %	5,1

НЛ ажратиш учун гексан: эфир 4:1; 3:2 ва 7:3 эритувчилар аралашмасидан фойдаланилди. Таркибий қисмларини идентификация қилиш учун стандарт моддалар (фитостероллар, эркин ЁК) қўлланилди. Совунланмайдиган моддаларнинг асосий таркиби фитостероллар эканлиги аниқланди, минор липофил моддалари сифатида углеводородлар, тритерпеноллар ва токофероллар идентификация қилинди. НЛ бир қисми ишқорнинг спиртли эритмаси билан гидролизланди, ажратиб олинган ЁК янги тайёрланган диазометан эритмаси билан метилланди. ЁК метилли эфирларини (ЁКМЭ) ёт моддалардан препаратив силикагелдаги ЮҚХда гексан: эфир 4:1 эритувчилар аралашмасида тозаланди. ЁКМЭ зонасини сорбентда J₂ буғлари ёрдамида аниқланди, пластинкадан қириб олинди ва хлороформ билан бир неча марта элюирлаб ажратиб олинди. Хлороформли элюатларни бирлаштирилди, хлороформни роторли буғлатгичда ҳайдалди. Тозаланган ЁКлари гександа эритилди ва ГХ усулида ионлаштирувчи алангали детекторли Agilent 6890 N асбобида таҳлил қилинди, бунда НР-5 кўзгалмас фазали 30 м x 0,32 мм ўлчамдаги капилляр устундан фойдаланилди, ташувчи-газ-гелий, дастурлаш ҳарорати 150-270°C (4-жадвал).

4-жадвал

Экма сули мевалари нейтрал липидлар ёғ кислоталарининг таркиби, %

Т/р	Ёғ кислотаси	Миқдори
1	Лаурин, 12:0	0,06
2	Миристин, 14:0	0,36
3	Пальмитин, 16:0	18,51
4	Пальмитолеин, 16:1n7	0,34
5	Маргарин, 17:0	0,21
6	Стеарин, 18:0	2,40
7	Олеин, 18:1n9 линолен, 18:3n3	39,80
8	Линол, 18:2n6	36,91
9	Арахин, 20:0	0,27
10	Эйкозен, 20:1n11	0,89
11	Беген, 22:0	0,12
12	Лигноцерин, 24:0	0,13
∑тўйинган ЁК		22,06
∑тўйинмаган ЁК		77,94

Натижалар экма сули мевалари НЛи таркибида олеин, линолен ҳамда линол кислоталари йиғиндиси устун бўлган 13 та ЁК сақлашини кўрсатди. Тўйинмаганлик даражаси йиғиндиси деярли 78% ни ташкил этади. ЁКМЭнинг ИҚ-спектрида шу моддалар учун характерли бўлган ютилиш кузатилди.

Элемент таркибини ўрганиш. Элемент таркибини аниқлашни ИСП МС NEXION-2000 (Германия) масс-спектрометрда индуктив боғланган плазма усули билан ўтказилди. Экма сули меваларида макро- ва микроэлементлар

микдорий таркибини индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усули билан текшириш натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал


Экма сули меваларининг элемент таркиби

т/р	Элемент	Микдорий таркиби, мг/кг
<i>Макроэлементлар</i>		
1	Калий, K	2180,099
2	Кальций, Ca	1838,682
3	Магний, Mg	876,334
4	Натрий, Na	171,028
<i>Микроэлементлар</i>		
5	Алюминий, Al	114,159
6	Темир, Fe	83,176
7	Марганец, Mn	32,929
8	Стронций, Sr	9,774
9	Рух, Zn	9,522
10	Мис, Cu	7,854
<i>Ультрамикроэлементлар</i>		
11	Барий, Ba	4,042
12	Никель, Ni	3,089
13	Хром, Cr	0,530
14	Литий, Li	0,140
15	Галлий, Ga	0,181
16	Висмут, Bi	0,040
17	Кобальт, Co	0,059
18	Ванадий, V	0,079
19	Цезий, Cs	0,013
20	Рубидий, Rb	0,148
21	Бор, B	0,001
22	Селен, Se	0,055
23	Уран, U	0,043
24	Индий, In	0,036


Текширилган хомашёда 24 ҳаётий зарур элементлар аниқланди, шундан 4 таси макроэлементлар, 6 таси - микроэлементлар ва 14 таси – ультрамикроэлементлар ҳисобланади. Экма сули мевасидаги организмга ижобий таъсир этадиган магний, марганец, темир, кальций, рух, мис ва бошқа ҳаётий зарур элементларни мавжудлиги асосий таъсир қилувчи моддалар билан биргаликда маълум микдорда унинг фармакологик фаоллигини оширади.

Экма сули мевасини специфик биологик фаоллигини белгиловчи полисахаридларни асосий таъсир қилувчи биологик фаол моддалари сифатида

Ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Полисахаридларни ўрганишга оид экспериментал маълумотлар диссертация ишининг «**Полисахаридларни ўрганиш**» учинчи бобида келтирилган. Экма сули мевалари полисахаридларини 2-расмда келтирилган чизмага биноан ажратиб олинди. β-глюканни ишқорли усулда ажратиб олиш 3-расмда келтирилган чизма бўйича олиб борилди.



2-расм. Экма сули меваларидан полисахаридлар ажратиб олиш чизмаси



3-расм. Ишқорий усулда β-глюкани ажратиш олиш чизмаси

Экма сули меваларида полисахаридларни текшириш натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Экма сули мевалари углеводларининг сифат ва миқдорий тавсифи

Углеводлар	Чиқиш, %	Моносахарид таркиби				
		глюкоза	арабиноза	ксилоза	фруктоза	сахароза
Спиртда эрувчан қандлар	0,53	+	+	-	+	+
СЭПС	15,5	++	-	-	-	-
ПМ - оксалат кислотаси ва аммоний оксалатнинг (1:1) 0,5% эритмаси билан ажратиш олинган	1,1	++	-	+	-	-
Гемицеллюлоза	12,44	++	+	++	-	-
Крахмал	45	++	-	-	-	-
Клетчатка	3,3	++	-	-	-	-
β-глюкан	8,3	-	-	-	-	-

Ажратиб олинган полисахаридлар идентификацияси ИҚ-спектрометрия усулида ўтказилди (7-жадвал). Намуналарнинг ИҚ-спектрларини Фурье ИҚ-спектрометрида (Perkin-Elmer фирмаси) қайд қилинди.

7-жадвал

Экма сули меваларидан ажратиб олинган полисахаридларининг ИҚ- спектрлари

Полисахаридлар	Ютилиш соҳалари, см ⁻¹
СЭПС (совуқ сув билан экстракция)	3438.84, 2927.75, 1635.82, 1451.74, 1418.18, 1381.81, 1155.24, 1076.92, 1025.13, 853.14, 593
СЭПС (қайноқ сув билан экстракция)	3742.29, 3546.21, 3467.78, 3415.10, 3254.9, 2926.06, 2857.14, 1639.16, 1620.7, 1546.85, 1513.28, 1454.54, 1418.18, 1379.02, 1236.36, 1158.04, 1079.72, 1021.93, 928.67, 853.14, 758.04, 702
ПМ (оксалат кислота ва аммоний оксалатнинг (1:1) 0,5% эритмаси билан экстракция)	3428.41, 2923.82, 1644.73, 1549.65, 1415.38, 1384.32, 1317.48, 1239.16, 1155.17, 1080.03, 1023.70, 928.67, 855.94, 758.04, 707.69
Гемицеллюлоза	3450.98, 3429.49, 2851.54, 1637.66, 1454.54, 1411.95, 1384.61, 1317.48, 1250.34, 1155.24, 1079.72, 1041.30, 897.90, 758.04


Тўртинчи бобда «**Экма сули мевалари ва уни асосидаги қурук экстрактни стандартлаш**» экма сули мевалари ва қурук экстрактни тиббиёт амалиётига татбиқ этиш учун зарур бўлган стандартлаш усуллари бўйича маълумотлар ёритилган.

Тавсия этилаётган хомашёнинг чинлигини ташқи ва анатомик-диагностик белгилар ҳамда сифат реакциялари ёрдамида аниқланди. Текширилувчи намунанинг макроскопик таҳлил натижасида аниқланган белгилари адабиётда келтирилган маълумотларга мослиги аниқланди.

Анатомик-диагностик белгиларини аниқлаш учун Ergaval микроскопидан фойдаланилди, фотосуратлар рақамли камера ёрдамида олинди. Экма сули меваларининг микроскопик таҳлилида хомашёсининг узунасига ва кўндаланг кесимлари ўрганилди (4-расм).

Микроскопик таҳлил натижасида экма сули мевалари учун диагностик аҳамиятга эга қуйидаги белгилар аниқланди:

- донча ташқаридан қобиқ билан қопланган, қобиқ остида юпқа пленкали қават меваолди қавати мавжуд, у уруғ пўсти билан бирлашиб кетган;
- эмбрион илдизча илдиз қини (колеориза), эмбрион поячаси (гипокотиль) ва буйракча;
- қалқончага қарама-қарши жойлашган эпибласт;
- мураккаб крахмал доначалари.



4-расм. Элма сули мевалари микроморфологияси

А. Қобик тузилиши: гп - гул пленкаси; мқ-мева қобиғи; уқ-уруғ қобиғи; ақ - алейрон қават; э-эндосперм; Б. Доннинг кўндаланг кесими: гп - гул пленкаси; мқ-мева қобиғи; уқ-уруғ қобиғи; ақ- алейрон қават; э-эндосперм; С. Эмбрион тузилиши: қ-қалқонча; л-лигула; к-колеоптиле; б-баргчалар; эп-эпибласт пт-проваскуляр тутам; би-бирламчи илдизчалар;к-колеориза. Д. Крахмал доначалари.

Элма сули меваларининг специфик биологик фаоллиги аввало полисахаридлар миқдори билан боғлиқдир, шунинг учун хомашёнинг кимёвий стандартизациясини айнан шу табиий бирикмалар гуруҳи бўйича ўтказилди.

Элма усли хомашёсининг сифатини белгиловчи кўрсаткичларини ишлаб чиқишда ХІ ДФ «Мевалар» мақоласи кўрсатмаларига биноан таъсир этувчи моддалар миқдори, намлиги, сонли кўрсаткичлари, умумий кули ва хлорид кислотанинг 10% ли эритмасида эрмайдиган кул, аралашмалар миқдори аниқланди.

Полисахаридларнинг миқдори гравиметрия усулида аниқланди. Олинган натижаларга биноан, эхма сули полисахаридларнинг миқдори 13 % дан кам бўлмаслиги керак деб белгиланди.

Тўпланиш динамикасини ўрганиш жараёни ўсимлик онтогенезида полисахаридлар миқдорининг ошиб боришини ва меваларнинг тўлиқ етилиш даврида максимал даражага (15,4%) етишини кўрсатди. Мева тугишнинг ушбу кўрсатилган муддати ўрганилаётган ўсимлик хомашёсини йиғишнинг муқобил муддати сифатида белгиланди. Олинган маълумотлардан эхма сули маҳсулотини йиғиш ва қуритиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш учун фойдаланилди.

Экстракт моддалар миқдорини аниқлаш учун экстрагент сифатида тозаланган сув ва этил спирти концентрацияси 40% ва 70% бўлган сув-спирт эритмаларидан фойдаланилди. Таҳлил натижалари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Эхма сули мевалари таркибидаги экстракт моддалар миқдори, %

Экстрагент		
тозаланган сув	40% этил спирти	70% этил спирти
34,45±1,01	29,01±1,62	24,88±1,11
34,01±1,23	28,21±1,22	25,86±1,21
33,11±1,12	29,54±1,13	24,63±1,13

Натижада эхма сули мевалари таркибидаги экстракт моддалар тозаланган сув билан экстракция қилинганда энг кўп миқдорда ажралиб чиқиши аниқланди. Уларнинг меъёри 30% дан кам бўлмаслиги керак деб белгиланди.

Бошқа, юқорида санаб ўтилган сонли кўрсаткичларни XI ДФ да келтирилган усуллар бўйича аниқланди. Эхма сули меваларининг кимёвий ва товаршунослик таҳлили натижаларига кўра, таклиф қилинаётган хомашё сифатини белгиловчи сонли кўрсаткичлар меъёрлари белгиланди.

Хомашё турғунлигини табиий шароитларда сақлаш давомида ўрганилди. 2,5 йил сақлаш жараёнида хомашёдаги полисахаридлар миқдори деярли ўзгармади. Шунинг учун хомашёни тайёрлангандан вақтдан бошлаб 2 йил давомида қўллашга тавсия этилди.

Эхма сули меваларини экологик баҳолаш ўтказилди, яъни микробиологик тозаллиги, оғир металлар, пестицидлар ва радионуклидлар миқдори аниқланди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, эхма сули мевалари хомашёга қўйилган меъёрларга мос келиши ва хавфсиз эканлиги аниқланди.

Ўсимлик хомашёсидан олинадиган дори турлари ассортиментини кенгайтириш ва қўллаш жараёнини соддалаштириш мақсадида эхма сули мевалари асосида «NOVO FARM КОМПЛЕКТ» МЧЖ мутахассислар билан ҳамкорликда келгусида субстанция сифатида ишлатиш учун тадқиқот қилинаётган хомашёнинг қуруқ экстрактини олиш технологияси ишлаб

чиқилди. Илк бор куруқ экстрактнинг кимёвий таркиби ўрганилди (9-жадвал) ва уни стандартлаш (10-жадвал) бўйича изланишлар ўтказилди.

9-жадвал

**Экма сули мевалари куруқ экстракти таркибидаги
биологик фаол бирикмалар миқдори**

Биологик фаол моддалар	Куруқ экстрактдаги миқдори, %
Полисахаридлар	22,4
Витаминлар, мг/%:	
тиамин, В ₁	0,157
рибофлавин, В ₂	1,358
ниацин, В ₃	0,329
пиридоксин, В ₆	2,953
Фенолкарбон кислоталари	0,17
Флавоноидлар	0,06

10-жадвал

Экма сули мевалари куруқ экстрактининг тавсифи

Кўрсаткичлар	Куруқ экстракт учун меъёр
Ташқи кўриниши	Ўзига хос хидга эга, жигарранг сочилувчан гигроскопик кукун
Эрувчанлиги	Сувда яхши эрийди, спиртда ва органик эритувчиларда эримайди.
Чинлиги	95% спирт билан реакция, чўкма ҳосил бўлади (полисахаридлар)
Қуритилганда йўқотилган намлиги	5% дан кўп бўлмаслиги керак
Полисахаридлар миқдори	20 % дан кам бўлмаслиги керак
Оғир металллар миқдори	0,01% дан кўп бўлмаслиги керак

Клиниколди изланишлар экма сули мевалари ва куруқ экстракти захарли эмаслиги ҳамда организмга нојўя таъсир кўрсатмаган ҳолда гипополидемик фаолликка эга эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, экма сули мевалари ва унинг асосидаги куруқ экстракт сифат кўрсаткичлари талабларини асослаш учун натижалар олинди. Олинган маълумотлар асосида «NOVO FARM КОМПЛЕКТ» МЧЖ билан биргаликда кўрсатилган ўсимлик дори воситаларига Корхона фармакопея мақолалари лойиҳалари (КФМ) ишлаб чиқилди, тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун уни ЎзР ССВ ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “Дори

воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУКга тақдим этилди. «AVENA –UZ» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар (Ts 23650019-003:2020) «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ва Технологик йўриқнома (ТИ 23650019-003:2020) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Ўзбекистонда етиштириладиган элма сулини чуқурлаштирилган фармакогностик ўрганиш натижасида гипополидемик фаолликка эга доривор хомашёнинг янги манбаси тақлиф этилди.

2. Фитокимёвий изланишлар натижалари ўрганилаётган намунанинг специфик фаоллигини белгиловчи биологик фаол моддалар мажмуи, оксиллар, липидлар, аминокислоталар, полисахаридлар, сувда эрувчи витаминлар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар ва ҳаётий зурур элементлардан иборатлигини кўрсатди ҳамда улар ичида доминант компонент полисахаридлар эканлиги аниқланди.

3. Элма сули хомашёсини стандартлаш масалалари ҳал қилинди, бунда асосий таъсир этувчи моддалар – полисахаридлар миқдорини аниқлашнинг методик усуллари тақлиф қилинди, чинлик ва сифат кўрсаткичлари ҳамда уни тайёрлаш ва сақлашнинг мўътадил муддатлари экспериментал асосланди.

4. Элма сули мевалари қуруқ экстрактини олиш ва стандартлаш ҳамда унинг асосида капсула дори шаклидаги «AVENA-UZ» биологик фаол қўшимчани ишлаб чиқиш бўйича амалий масалалар ҳал қилинди.

5. Олинган натижалар асосида элма сули мевалари ва унинг қуруқ экстрактига Корхона фармакопея мақолалари лойиҳалари ишлаб чиқилди ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш мақсадида ЎЗР ССВ “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУКга рухсат олиш учун тақдим этилди.

6. «AVENA –UZ» биологик фаол қўшимча учун Техник шартлар ва Технологик йўриқнома ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НУРУЛЛАЕВА ДИЛОБАР ХАМИД КИЗИ

**ФАРМАКОГНОСТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПЛОДОВ ОВСА
ПОСЕВНОГО (AVENA SATIVA L.)**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2018.1. PhD /Far38.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Фарманова Нодира Тахировна кандидат фармацевтических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Тиллаева Гулнора Уринбаевна доктор технических наук, профессор Арипова Салима Фазиловна доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартизации лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники» при МЗ РУз

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Айбека, 45. Тел.:(99871) 256-37-38, факс: (99871) 256-45-04, e-mail:info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ___) по адресу:100015, г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Айбека, 45. Тел.: (99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2021 года).

К.С.Ризаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

Ф.Ф.Урманова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.фарм.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. По данным Всемирной организации здравоохранения, на сердечно-сосудистые заболевания, вызванные накоплением избыточного холестерина в организме человека, сегодня приходится 16% смертей во всем мире. В связи с этим, расширение ассортимента гиполипидемических лекарственных препаратов и биологически активных добавок, их стандартизация и установление сроков годности имеет важное значение.

Кроме этого, в настоящее время во всем мире, наряду с официальными лекарственными растениями, большое внимание уделяется расширению рынка лекарственных средств и биологически активных добавок на основании не фармакопейных видов лекарственных растений, малоизученных с точки зрения химического состава, стандартизации, эффективности и безопасности. В этой связи особый интерес представляют исследования, направленные на изучение широко используемых в народной медицине лекарственных растений с различным фармакологическим действием, а также их стандартизация и внедрение в медицинскую практику.

Сегодня в условиях бурного развития фармацевтической отрасли в стране достигнуты определенные результаты по внедрению эффективных лекарственных препаратов и биологически активных добавок (БАД), полученных на основе местного сырья. В четвертой главе стратегий действий по развитию РУз на 2017-2021 годы определены актуальные вопросы «...по более быстрому развитию фармацевтической отрасли, улучшению снабжения населения и лечебно-профилактических учреждений доступными, эффективными и качественными лекарственными средствами, а также медицинскими изделиями...»¹. В связи с этим, важной задачей является проведение исследований по качественному и количественному определению основных биологически активных веществ, изучение экологической чистоты и установление сроков годности растительного сырья, а также внедрение в медицинскую практику широко используемого в народной медицине сырья овса посевного.

В настоящей диссертационной работе в определенной степени выполнены задачи, предусмотренные Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-3137 от 17 июля 2017 года «Дополнительные меры по совершенствованию системы обеспечения населения лекарственными средствами и изделий медицинского назначения», ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3968 от 12 октября 2018 года «О мерах по упорядочению сферы народной медицины», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Ретроспективный анализ сведений научной литературы показал, что Абу Али ибн Сино использовал овес посевной в качестве вяжущего средства. По изучению данного вида проводили исследования такие отечественные ученые, как Х.Х.Халматов, У.М.Азизов, А.В.Зияева. В мировом масштабе в настоящее время широко известны научные исследования И.Г.Лоскутова, М.Н.Повыдыша, К.Е.Andersson, К. A.Svedberg, M. W.Lindholm, S.Bahraminejad, R.E.Asenstorfer, I.T.Riley, C.J.Schultz, K.Bratt, K.Sunnerheim, S.Bryngelsson, A.Fagerlund, L.Engman, R.E. Andersson, L.H.Dimberg, A.Kamal-Eldin, A.B. Durkee, P.A.Thivierge и др. Ими выявлены и изучены биологически активные соединения в зависимости от сорта, вида и местности произрастания растения, также была изучена антиоксидантная, иммуномодулирующая, противовоспалительная, гиполипидемическая и другие виды активности, разработаны лекарственные формы и биологически активные добавки на основе надземной части овса посевного.

В настоящее время несмотря на проводимые научные исследования, оценка плодов овса посевного ведется по устаревшему ГОСТу 28673–90, который используется, в основном, в пищевой промышленности. Разработка лекарственных препаратов на основе плодов овса посевного возможна лишь при наличии соответствующей нормативной документации, которая базируется на объективных фитохимических исследованиях. Республика Узбекистан имеет достаточно большие сырьевые запасы овса посевного, т.к. это растение выращивается почти во всех областях и включено в Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву. Кроме этого, углубленное исследование химического состава плодов овса посевного, заготовленного в условиях Узбекистана, не проводилось.

